

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА АМАЛИЙ ФАНЛАР АҲАМИЯТИ

*Муртазаев Мелибек Зокирович, Закиров Жахонгир Мелибекович,  
Муртазаев Жасур Мелибекович*

*Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах, Ўзбекистон*

*e-mail: murtazayev\_m@jspri.uz*

**Аннотация.** Ушбу илмий услубий ишда амалий фанлар ўқитиладиган (технология, жисмоний тарбия, чақириққача бошланғич ҳарбий таълим) умумий ўрта таълим мактаблари ва профессионал таълим ҳамда олий таълим муассаларини ҳамкорлигида узлуксиз таълимни таъминлаш масалалари келтирилади.

**Калит сузлар:** Умумий ўрта таълим мактаблари, ўқитувчилар тайёрлайдиган олий таълим тизими, ўқитишнинг самарарийлик мезони, таълим муассаларининг ўзаро ҳамкорлиги, умумий ўрта таълим мактаби технология таълими ўқитувчиси, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимлари, амалий фанлар ўқитувчилари.

\*\*\*

**Аннотации.** В данной научно-методической работе рассматриваются вопросы обеспечения непрерывного образования в сотрудничестве с общеобразовательными школами, профессионально-техническими учебными заведениями и высшими учебными заведениями, в которых преподаются практические науки (технология, физическая культура, довузовское военное образование).

**Ключевые слово:** Общее образовательных школы, среднее специальный профессиональный колледжов, система высшего образования подготавливающий учителей, критерия эффективности преподавания, содружество между учебные заведение, учитель обучения технология общее образовательных школ, системы образования высшего среднее специального и общее образовательных школ, учителей практических дисциплин.

\*\*\*

**Annotation.** This scientific-methodical work deals with the issues of ensuring continuing education in cooperation with general secondary schools and vocational education and higher education institutions, where practical sciences are taught (technology, physical education, pre-service military education).

**Keywords:** General secondary schools, secondary special vocational colleges, the higher education system that trains teachers is, the criterion for the effectiveness of teaching, interaction of educational institutions, the teacher of technological education of the general secondary school is, General secondary and secondary special and higher education systems, teachers of Applied Sciences.

Умумий ўрта мактаб ва ўрта махсус ҳамда олий таълим таълими тизимларини ҳар бирини фаолиятини алоҳида илмий услубий таҳлил асосида урганганда, фаолият юритиш тизими, улар буйича олиб борилаётган илмий изланиш йуналишлари, тадқиқот олиб бориш усуллари деярли бир хил

йусинда булгани учун уларни ҳамкорлигини юқори савияга олиб чиқиш зарур бўлади.

Умумий ўрта мактаб ва ўрта махсус таълим тизимларини кенг қамровли амалий фанлар (технология таълими, мусиқа, тасвирий саънат, жисмоний тарбия, иқтисодий билим асослари, чақириққача бошланғич ҳарбий таълим, инфор матика) ўқитувчилари билан таъминлайдиган олий таълим тизим фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини умумий ўрта мактаб ва ўрта махсус таълим тизи ми фаолиятларида ўқитишнинг самарарийлик мезонлари асосида мактаб ва ўрта махсус таълим муассаларни зарурий эҳтиёжи, фан ва техника, технологияла рининг замонавий ютуқларига таянган ҳолда, амалга ошириш керак бўлади.

Тарбиялаб етиштириб берилаётган бу ўқитувчилар мактаб ва ўрта махсус таълим муассаларида ёш авлодда умумехнат куникмаларини шакллантириш, уларни мактабда онгли равишда касбга йуналтириш, ўрта махсус таълим муасса ларида касб меҳнати ва меҳнат маданиятини ўзлаштириш, касбни эгалашда уларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириб бориш, изланувчи ланликка, ижодкорликка фикрлаш қобилиятини юксалтириш, касб сирларини пухта эгаллаш, ахборот коммуникацион технологияларидан мақсадли фойдала ниш имкониятларини ошириш, уларда амалий фанлар бўйича мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш, касбий маънавий ахлоқий фазилатларини шакл лантиришга кодир бўлишлари лозимдир.

Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим ҳамда олий таълим муассаса лари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини таъминлаш, бу уч таълим босқич лари ўртасида илмий асосланган интеграцияга узлуксиз ҳуқуқий меъёрий база ни яратади ва қўшимча равишда тизимли синергетик самарани юксалтиради.

Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим ҳамда олий таълим муассаса лари ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини таъминлашда таълим тизимини ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини эътибордан қочирмаслик керак, яъни оила, маҳалла, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маънавият ва маданият, кичик бизнес ва хусусий оилавий тадбиркорлик, ишлаб чиқаришларга боғлиқ бўлиши мум кин. Ташқи омилларни таълим билан ҳамкорликдаги самарадорлиги таълим сифатини сезиларли даражада ошишига таъсир қилиши мумкин.

Масалан, зиёли оилада таълим ва фанга нисбатан ижобий муҳит пайдо қили ши, оилада ташкил этилган тарбия моҳияти, устоз-шогирд ананалари, маҳала ларда ёшлар билан ишлаш тизимларида тегишли мутасадилар, ўқитувчи – му рабийлар, бошқа мутахассисларни жалб қилиш, ота-оналар ўз

тажриба ва билимларини тўлиқ ўргатиши, оила ҳаражатларини кўпинча билим олишга ва интеллектни ривожлантиришга қаратилиши таълимда синергетик эффектни оширади.

Таълимни қайси жабҳаларда бўлишидан қатъий назар аввало инсонда соғлом тана бўлиши керак, соғлом танага эга бўлган урганувчи инсонда таълимни ўз лаштириш канали жуда юқори бўлади, таълим материали мазмунини тулиқ ўз лаштириш эҳтимоли катта бўлади.

Ёш авлодни доимо соғлом ва руҳан тетик бўлишида таълимни мактаб гача, умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар таълим, бакалавр босқичларида ўқитиладиган амалий фанлар ўрни бекиёсдир.

Амалий фанлар ёш авлод танасини доимо соғлом булишини таъминлашга, тана организмни доимо кислород билан нормада таъминлашга, кейинчалик уларни доимо соғлом бўлиш ва соғлом турмуш тарзига одатлантириш, уларни меҳнатга тайёрлаш, умуммеҳнат куникмаларини пайдо қилдириш, меҳнат ўқу вини пайдо қилдириш, бошланғич таянч касбий иқтидорликка қизиқтириш, касбий ҳавасга интиштириш, иқтидорини ўйғотиш, касбга онгли йуналтириш, касбни онгли равишда танлашга тайёрлаш каби вазифаларни амалга оширади.

Амалий фанлар ўқитувчилари ёш авлодни ҳар бир ёш босқичларида тана организмларини жисмоний соғлом нормада бўлишини эътиборга олсалар, улар ни узлаштириш ва ёдда сақлаш хотиралари самарали натижа беради, ўз навбатида таълимда, техника ва технологияда юқори самарага эришилади.

Айрим ҳолларда бола мактабгача таълимда яхши узлаштириш қобилятида бўлиши ва умумий ўрта таълимга келгандан кейин бу қобиляти ривожланиши сусая бошлаши ва кейинчалик бола қобиляти ўз тенгдошлари қобилятидан паст бўлиши кузатилади. Ёки умумий ўрта таълимнинг бошланғич таълимида бола яхши ўзлаштириш қобилятида бўлади, кейинги таълимни юқори синф ларида бола ўзлаштириш қобиляти сусая боради. Ёки ўзлаштириш қобиляти паст бўлган бола кейинчалик умумий таълимнинг юқори синфларида у яхши ўзлаштириш қобилятига эга бўлиши ва ҳатто бакалавр босқичларида яхши ўзлаштириш қобилятида бўлиши мумкин.

Бунинг сабаблари ҳар хил бўлсада, аммо умумий сабаби биргина боланинг ўзлаштириш каналини топа олмаслик ва унга ижодий таъсир омилларини тўғри қўйя билмасликдан бўлиши мумкин. Бундан шуни фаҳмлаш мумкинки, узлук сиз таълим тизимини ҳар бир босқичда бола физиологик ҳолатини яхши билиш, таълимда болани ўзлаштириш каналига

мос ҳолда дарс материални ва ўқитиш методини тўғри танлаш мақсадга эришишда муҳим ҳисобланади.

Узлуксиз таълим тизимини ҳар бир босқичларида таълимнинг узвийлигини таъминлаш учун (мактабгача, умумий таълим, ўрта махсус таълим ва олий таълимда амалий фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш мисолида) қуйидаги бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини давоми бўлган ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи босқичда мактабгача таълимда ҳар бир боланинг миясига етиш маган озуқа диетаси (Са, Mg, Omega-3 ва бошқалар) режасини тузиш асосида овқат, сув, ҳаво ва жисмоний тарбия комплекс терапиясини ишлаб чиқиш, ҳорижий тиллар, мусиқа ва шахматга ўргата бошлаш орқали унинг қобилиятини аниқлаш ишлари бажарилади.

Иккинчи босқич мактабгача босқичда тайёрланган ва уни бевосита давоми бўлган умумий таълимда ҳар йили болани қобилияти ривожланишини таъминлаш, махсус тестлар орқали юқори синфларда қизиқиш ва қобилият савиясига мос бўлган касб ҳунар махсус таълим муассасига йўлланма бериш, фундамен тал фанларга ўзлаштириш қобилияти бўлган ўқувчиларни академик лицейга тайёрлаш ишлари амалга оширилиши керак.

Учинчи босқич умумий ўрта таълим босқичида тайёрланган ва уни бевосита давоми бўлган ўрта махсус таълимида ёш авлодда шаклланган қобилиятни танланган касб-ҳунарга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш ва касбий инновациялардан фойдаланиш ишларини амалга оширилади.

Иккинчи ва учинчи босқичларида тайёрланган ва уларни давоми бўлган туртинчи бакалавр босқичида бор билимларни тегишли соҳада тўлиқ фойдаланишга тайёрлаш ишлари амалга оширилади.

Тўртинчи бакалавр босқичида талаба олган ва эгаллаган билим ва кўникмалари асосидаги давоми бўлган бешинчи магистратура босқичида таълим йўналишидаги тадқиқот буйича дунёда яратилаётган инновацияларни интернетдан фойдаланиб, таълим жараёнига жорий этишни диссертацияларида тадқиқ этиш ишлари амалга оширилади.

Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ишларини қўйидагича самарали ташкил мумкин.

1. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим ҳамда олий таълим муассасалари муаммоларига бағишланган илмий-услубий анжуманларни биргаликда ташкил этиш.

2. Олий таълим муассалари маънавий-маърифий ишлар, ўқув ишлари, илмий тадқиқот ишлари, иқтисодиёт ишлари ва кафедра иш режаларига

умумий ўрта ва ўрта махсус касб таълим муассалари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар мазмунига киритиш.

3. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар ва оммавий тадбирларга Олий таълим муассалари профессор-ўқитувчиларини жалб этиш.

4. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида иқтидорли ўқувчиларни, ўқитувчиларни Олий таълим муассаларида ўтказиладиган семинарлар, талабалар ва магистрлар муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманларга жалб этиш.

5. Олий таълим муассаларида ихтисосликлари бўйича ташкил этилган (13.00.01- Педагогика назарияси ва тарихи, 13.00.02-Таълим тарбия назарияси ва методикаси, 13.00.07-аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси, 13.00.08, Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси,) илмий семинарларга Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларидаги илмий ишлар билан шуғулланувчи мухандис-педагогларни, умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларининг муаммоларига бағишланган илмий ишлар билан шуғулланувчиларни мунтазам равишда жалб этишни йўлга қўйиш.

6. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида амалий ва мутахассислик фанлари хоналари ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналари жи хозларини ишлатишда олий таълим муассалари профессор-ўқитувчилари салоҳиятидан фойдаланишни йўлга қўйиш.

7. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида Олий таълим муассаларидаги педагогик ва малакавий амалиётларни биргаликда ўтказишни ташкил этиш.

8. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида Олий таълим муассалари салоҳиятли профессор-ўқитувчилари томонидан маърузалар, кичик давраларда баҳслашув, индивидуал суҳбат, мусобақа беллашув каби ноанъана вий усулларда тадбирлар олиб боришни йўлга қўйиш.

9. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларида таълим жараёнининг демократлашуви – ўқувчиларнинг фаоллигини оширувчи мустақил фикрлаш ва психологик ҳолатини яхшиловчи шароитларини яратувчи инновацион технологияларни излаш;

10. Доимий равишда умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассаларига юксак малакали амалий фанлар ўқитувчилари тайёрлаб бериш;

11. Умумий таълим ва ўрта махсус касб таълим муассалари ўқитувчиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни миқдорий кўрсаткич ва тартибларини аниқлаш.

Шундай қилиб, умумий ўрта ва ўрта махсус касб ҳамда олий таълимлари муассасалари ўртасида ҳамкорлигини ўзаро интеграциялашда ташқи омиллар таъсирларини ҳам инобатга олиниши синергетик самарадорликни ошириб, таълимни сифат жиҳатдан янги поғоналарга кўтаришга хизмат қилади. Таълимнинг мактабгача, умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар таълим, бакалавр босқичида, магистратура босқичида, докторантура босқичида, олий маълумотликлар барча таълим босқичлари сифатини ошириб, демократик фуқаролик жамиятини қуриб, маънавиятни юксалтириш ва турмушни обод қилишлари каби жабҳаларида ёш авлодга таълим тарбия бериш буйича бажа рилиши керак бўлган ишларни ўзаро бир бирига боғлиқлиги уларни узлуксизлигини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Беспалько В.Р. Педагогика и прогрессивное технология обучения. Институт проф.обр. Минстерства образования Россия. –М.. 1995 г.
2. Муртазаев М.З. Системные подход к определению практической значимости учебной дисциплины. «Образование через всю жизни непрерывное образование для устойчивого развития». Материалы VI международной конференции. Г.Минск. 2008 г. 130стр.
3. Муртазаев М.З., Закиров Ж.М., Муртазаев Ж.М. Оптимизация учебного процесса системе подготовке высококвалифицированной кадров. Международной сempoузм по проблемы, идеи, инновации. Сб.науч. материалов. Г.Москва. 2011 г 363-364стр.
4. Муртазаев М.З., Закиров Ж.М., Муртазаев Ж.М. Юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш жараёнини амалий савиясини оширишнинг устивор ва истикболли йуналишлари. “ Фарғона водийси худудларидаги маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш асосида экспорт урнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро конференция материаллар туплами. Намаган. Ш. 2018й. 466-468 б.
5. Murtazaev M.Z. Topical issues of the process of preparation of future technology teachers in the system of higher education. Magazines of Pedagogics and International Scientific Conference materials. International scientific and practical conference “Innovative ideas of modern youth in science and education”. Conf. Researcharks.org. 2019, USA, 358-362.